

Хурматли Тошкент шахридаги кўп квартирали уйларнинг турар жой хоналари мулкдорлари!

“TOSHISSIQQUVVATI” ДУК Сизга маълум қиладики, “Иссиқлик тарқатиш” бошқармасининг туман бўлимлари томонидан 2019йилнинг 1 мартдан 1 апрелига қадар иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг хатлови ўтказилади.

Хатловнинг мақсади:

- истеъмолчиларнинг шартномавий ҳисоб-китоб маълумотларини (корхона биллинг тизимини – электрон база маълумотлари) истеъмолчиларнинг ҳақиқий маълумотлари билан солиштириш;

- тафовутларнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва тартибга келтириш бўйича чоралар кўриш, истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоблари – ҳисоб-китоб маълумотларига ўзгартириш киритиш;

- ўтган йиллар даври бўйича келгусида тафовутлар ва муҳокамаларга йўл қўймаслик.

Хатлов жараёнида қуйидаги маълумотлар солиштирилади – мулкдор, тузилган шартноманинг мавжудлиги, кишилар сони, иситиладига майдон, иссиқ сув таъминотини индивидуал ҳисобга олиш асбобининг маркаси ва рақами, ўрнатилган пломбанинг рақами, давлат текширувидан ўтказишнинг муддати ва санаси, сертификат рақами, ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичи, қарздорлик. Истеъмолчиларга, зарурат туғилганда, тафовутларни тартибга солиш учун қандай ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисида тушунтиришлар берилади.

Хатлов жараёнида, янги шакл бўйича тузилган иссиқлик таъминоти шартномаларининг йўқлигида шартномалар тузилади. Бунда, истеъмолчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014й.даги 194-сонли Қарори билан тасдиқланган амалдаги “Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш қоидалари” да назарда тутилган ҳужжатлар “TOSHISSIQQUVVATI” ДУКда йўқ бўлган тақдирда тақдим этишлари лозим бўлади.

“TOSHISSIQQUVVATI” ДУКнинг рақамли пломбаси бўлмаса, истеъмолчилар билан албатта икки томонлама далолатномалар тузилган ҳолда индивидуал асбоблар пломбалади.

Иссиқ сувни индивидуал ҳисобга олиш асбоби давлат текширувининг муддати тугаган тақдирда, икки томонлама далолатнома тузилган ҳолда “TOSHISSIQQUVVATI” ДУК рақамли пломбаси ечилади ва давлат текширувидан ўтказиш лозим бўлади.

Хурматли истеъмолчилар, ўтказилаётган хатловга тушунган ҳолда ёндошишингизни ва “TOSHISSIQQUVVATI” ДУКнинг хизмат гувоҳномаси бор вакилларига киришга рухсат беришингизни **илтимос қиламиз.** Хатловни сифатли ўтказиш келгусида ўзаро тушунмовчиликларни мустасно этишга, пулингиз ва вақтингизни тежашга ёрдам беради.

Ҳисоб-китоб маълумотларини солиштириш учун қуйидаги ҳужжатларни тайёрлаш лозим:

- турар жой мулкдорининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни;

- кўп квартирали уйда хона мулкдори (фойдаланиш) ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни ва мазкур ҳуқуқни вужудга келиши санасини;

- ички ишлар органи паспорт бўлинмасининг (ф-17) маълумотномаси ёки уй китоби (кишилар сони ўзгарган тақдирда);

Иссиқ сувни индивидуал ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлганда:

- асбобни ўрнатиш/ечиш далолатномаси;
- пломбалаш/пломбани ечиш далолатномаси;
- давлат текшируви сертификати.

“TOSHISSIQQUVVATI” ДУК етказилган ноқулайликлар учун узр сўрайди ва ҳамкорлигингиз учун Сизга миннатдорчилик билдиради.

27.02.2019